

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИОН  
ЖАРАЁНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР  
ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8360869>

**Шерзод Солижонович Махсудов**

*Фаргона давлат университети*

*тадқиқотчи*

**Аннотация**

*Мазкур мақолада саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш, саноати тармоғида инвестициялар, инновацион иқтисодиёт, саноат ва иқтисодиётнинг диверсификациялашуви, аҳоли турмуш даражаси, инвестицион фаоллик даражасининг пасайиши, Инвестицион жараёнлар, Ресурс жиҳатдан, Ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник тараққиёт, инвестиция ҳисобига қўшимча соф даромад назарий жиҳатдан асосланган.*

**Калит сўзлар**

*Тўқимачилик саноати, ишлаб чиқариш, ташкилий ишлаб чиқариш тузилмаси, тезкор бошқарув ва назорат, меҳнатнинг ташкил қилиниши, молиявий иқтисодий механизм, стратегик ва тактик бошқарув*

**FACTORS AFFECTING THE EFFICIENCY OF THE DEVELOPMENT OF  
INVESTMENT PROCESSES IN THE TEXTILE INDUSTRY NETWORK.**

**Annotation**

*This article discusses the production of industrial products, investments in the industrial sector, innovative economy, diversification of industry and the economy, the standard of living of the population, a decrease in the level of investment activity, investment processes, in terms of resources, socio-economic, scientific and technological development, additional net income from theoretically justified investments.*

**Key words**

*Textile industry, production, organizational and production structure, operational management and control, labor organization, financial and economic mechanism, strategic and tactical management.*

**ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ РАЗВИТИЯ  
ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В СЕТИ ТЕКСТИЛЬНОЙ**

## ПРОМЫШЛЕННОСТИ.

### Аннотация

*В данной статье рассматриваются производство промышленной продукции, инвестиции в промышленный сектор, инновационная экономика, диверсификация промышленности и экономики, уровень жизни населения, снижение уровня инвестиционной активности, инвестиционные процессы, с точки зрения ресурсы, социально-экономическое, научно-техническое развитие, дополнительный чистый доход за счет теоретически обоснованных инвестиций.*

### Ключевые слова

*Текстильная промышленность, производство, организационно-производственная структура, оперативное управление и контроль, организация труда, финансово-экономический механизм, стратегическое и тактическое управление.*

### Кириш.

Бугунги кунда тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Бу тармоқ саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда марказий ўринда туради, чунки бу тармоқ кенг халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаради, бу эса ўз навбатида бозорнинг катта бир қисмининг тўйинишидир. Бундан ташқари, тармоқ республикани катта миқдордаги иш ўринлари билан таъминлайди, жумладан, бу тармоқда асосан аёлларнинг банд бўлиши саноат районларида демографик балансни ушлаб туриш имконини беради.

Тўқимачилик саноати тармоғида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тармоқдаги иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига аҳамиятли даражада таъсир этади ва бу ўта мураккаб кўп босқичли жараён бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунга қадар жаҳондаги бирор мамлакат ёки халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан тўқимачилик саноати тармоғида инвестициялардан самарали фойдаланишни ифода этувчи ягона индикатор қабул қилинган эмас. Бу эса ўз навбатида тармоқ ишлаб чиқаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаб олишни талаб этади.

Ўзбекистон ҳозирда катта ва кўп йўналишларга эга бўлган тўқимачилик саноатига эга. Тўқимачилик саноатининг республика ялпи ички маҳсулотига улуши 4,8 %ни ташкил этиб, саноат маҳсулотининг 25 %и, ишлаб чиқариш асосий фондларининг 13 %и ушбу тармоққа тўғри келади.

Шу билан бирга, унда республика саноат ходимларининг 32 %и меҳнат қилмоқда.

### **Абадиётлар таҳлили.**

С.А.Жигаревнинг фикрига кўра, турли иқтисодий адабиётларда инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи турли омиллар кўриб чиқилади<sup>41</sup>. Ю.А.Корчагин фикрича, “самарали бозор иқтисодиётининг шаклланиши, инновацион иқтисодиётнинг яратилиши, саноат ва иқтисодиётнинг диверсификациялашуви, аҳоли турмуш даражасининг ошиши” каби омилларни инвестицион жараёнлар фаоллаштиради.

С.Ю.Глазьев инвестицион фаоллик даражасининг пасайишини бевосита “иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хатолар, тармоқлараро мутаносибликнинг ва бозор эркинлигининг бузилишлари” кабилар билан изоҳлайди. В.А.Добрынин инвестиция самарадорлигининг ошишини барча ишлаб чиқариш омилларидан рационал фойдаланиш, маҳсулот таннархининг пасайиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши билан изоҳлайди.

С.А.Жигаревнинг фикрича, тармоқнинг инвестицион жараёнлари самарадорлигига таъсир этувчи барча омиллар тизимини таснифлаш ва уларни машинасозлик ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсирини асослаш мақсадга мувофиқдир.

С.Р.Умаровнинг фикрига кўра, инвестиция маблағининг самарадорлиги қуйидаги асосий кўрсаткичлар ёрдамида ҳам аниқланади<sup>42</sup>:


меҳнат бирлигида тежалган жонли меҳнат. Бу кўрсаткич инвестиция маблағлари сарфида меҳнат унумдорлигини қанча ортганлиги ҳамда меҳнатнинг енгиллашганлигини кўрсатади

### **Таҳлил ва натижалар.**

Тўқимачилик саноати тармоғининг инвестицион жараёнлари самарадорлигига ўзаро таъсир этувчи омилларни 4 та асосий блокка ажратиш мумкин.

<sup>41</sup> Жигарев С.А. Факторы повышения эффективности инвестиционных процессов в машиностроении. // TERRA ECONOMICUS (Экономический вестник Ростовского государственного университета). 2009, Том 7, № 2 (часть 3). - 170 с.

<sup>42</sup> Умаров С.Р. Кишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган авторферат. Т.: 2008. - 10 с.



**1-расм. Тўқимачилик саноати тармоғида инвестицион жараёнларнинг ривожланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таснифи<sup>43</sup>**

Фикримизча, инвестицион жараёнларни самарали амалга ошириш ва ишлаб чиқиш учун қуйидаги тамойиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

танланган лойиҳаларни юқори самарадор тармоқларга йўналтириш;

<sup>43</sup> Жигарев С.А. Факторы повышения эффективности инвестиционных процессов в машиностроении. // TERRA ECONOMICUS (Экономический вестник Ростовского государственного университета). 2009, Том 7, № 2 (часть 3). - 171 с.

инвестицион фаолиятнинг стратегик ва тактик бошқарув мақсадларини биргаликда олиб бориш;

ечимлар қабул қилиш жараёнида инвестицион рисклар даражасини ҳисобга олиш;

илмий-техник тараққиёт натижаларидан кенг фойдаланиш;

инвестицион фаолиятнинг инвестициялар самарадорлигига ўзаро таъсир этувчи омиллар ўзгаришининг мослигини таъминлаш;

инвестиция жараёнларига малакали кадрларни йўналтириш.

Кўрсатиб ўтилган тамойилларга амал қилиш натижасида тармоқда инвестиция жараёнларининг самарадорлиги ошади ва мазкур жараёндаги самарадорлик куйидагича ҳисобланади<sup>44</sup>:

$$Ч_0 = Ч_{01} - Ч_{02} \quad (1.1)$$

бунда  $Ч_0$  - инвестиция ҳисобига қўшимча соф даромад (сўм),  $Ч_{01}$  - инвестиция амалга оширилганидан кейинги қўшимча соф даромад (сўм),  $Ч_{02}$  - инвестиция амалга оширилгунига қадар қўшимча соф даромад (сўм).

Тўқимачилик саноати тармоғида инвестициялардан самарали фойдаланиш фақатгина инвестиция жараёнларининг самарадорлигига эмас, балки тўқимачилик корхоналарида амалга оширилатган инвестицион сиёсат самарадорлигига ҳам бевосита боғлиқдир.

Тўқимачилик саноати тармоғида инвестиция сиёсатининг бир томони инвестиция мақсадларини ҳисобга олиши керак бўлса, иккинчи томондан эса, қўйилмаларнинг риск даражасини ҳам инобатга олмоғи лозимдир. Шунингдек, бу борада баланслаштирилган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг биринчи қадами инвестициялашга нисбатан профессионал ёндашувни амалга оширишни талаб этади.

### Хулоса ва таклифлар.

Тўқимачилик корхоналарида инвестицион фаолиятни бошқарув самарадорлигини таъминлаш учун корхоналарда илмий-техникавий, иқтисодий ва ташкилий жараёнларни йўлга қўйишга оид турли хил изланишларни амалга ошириш ва шу асосда янгича иш тамойилларини кашф қилиш ва жорий этиш учун қулай муҳит яратиш лозим. Бунда корхоналарнинг олдида турган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини, босқичларини белгилаб

<sup>44</sup> Баранников М.М. Эффективность инвестиционных процессов машиностроительного производства. М.: Финансы и кредит, 2008.

олиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарда инновацион-инвестициявий лойиҳаларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларини ҳамда тугалланмаган курилишлар ҳажмини кескин камайтириш лозим. Бунинг учун мазкур жараёнларни параллел равишда амалга оширилишига эришиш зарур.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ханкелдиева Г.Ш. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг назарий жихатлари —Biznes-Эксперт илмий журнали, 2022 й., 2-сон

2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.

3. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.

4. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. Scientific progress, 3(4), 159-166.

5. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари.

6. Махсудов, Ш. С. (2022). Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Бюллетень науки и практики, 8(5), 450-456.

7. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда бошқарув органларининг ўрни. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 1(9), 370-375. Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 931

8. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. International Journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 132-137.

9. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш. Gospodarka i Innowacje., 24, 993-995.

10. Solijonovich, M. S. (2022). The role of engineering and communication infrastructure in the organization and development of the free economic zone. asia pacific journal of marketing & management review issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 97-102.



11. Махсудов Шерзод Солижонов (2023). Эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг фаолиятига инновацион муҳитнинг таъсири. Research Focus, 2 (1), 516-522.

12. Maxsudov Sherzod Solijonovich. (2023). The influence of macro environmental factors on the development of free economic zones. International Journal of Studies in Business Management, Economics and Strategies, 2(4), 21–26. Retrieved from <https://scholarsdigest.org/index.php/bmes/article/view/96>

13. Махсудов, Ш. С. (2023). Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 15, 405- 412.

14. Махсудов Ш. Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш —European Journal of Interdisciplinary Research and Development| 2023.

15. Махсудов Ш. Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш. European Journal of Interdisciplinary Research and Development Website: [www.ejird.journalspark.org](http://www.ejird.journalspark.org) 2023 may Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 932

16. Ш.С Махсудов Ўзбекистонда тўқимачилик саноати тармоғини ривожланиш ҳолати таҳлили Finland International Scientific Journal of Education 2022 924-932

17. Хамракулов, И. Б. (2023). Организационно-экономическая характеристика развития электроэнергетических предприятий в узбекистане. models and methods for increasing the efficiency of innovative research, 2(23)